Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 13 ноябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 86 (6783)

Даъват

Нарсаларнинг қандай бўлиши кераклигини билиш — кишининг ақллилигини, нарсалар ҳақиқатда қандай эканлигини билиш — тажрибалилигини, бу нарсаларни қандай қилиб яхши томонга ўзгартиришни билиш — кишининг даҳолигини курсатади.

Дени ДИДРО

Ибрат

Яқинда Термиз шаҳрида янги бизнес мактаби очилди. 8-синфни битирган ўқувчилар тест синовларидан ўтгач, ана шу мактабга қабул қилинади. «Ёш банкчи» дастури асосида ўғил-қизлар уч йил мобайнида таълим оладилар.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊕ Шу йил 9 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Пул-кредит сиёсати бўйича Республика комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 2 июлдаги 230-сонли қарори ҳудудларда қандай бажарилаётгани, айрим корхоналар бўйича иш ҳақи, нафақаларни ўз вақтида беришдаги узилишлар ҳақидаги ва бошқа бир нечта муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисни Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг раиси — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси Ф. Муллажонов бошқарди.

⊕ Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида рус православ черкови Тошкент ва Марказий Осиё Епархиясининг 125 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Унда Москва ва Бутун Русия патриархи Алексий Иккинчи, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари раҳбарлари, рус православ черковининг Тошкент ва Марказий Осиё Епархияси ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг байрам иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Роиқ Баҳодиров ўқиб эшиттирди.

⊕ Малайзияда — Куала Лампурнинг муҳташам «Федерал» меҳмонхонаси мажлислар залида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон. Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобларининг тақдимоти бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси раиси — Рустам Шоғуломов Ўзбекистон Президентининг ҳар учала китоби ҳақида йиғилганларга атрофлича маълумот берди.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 ноябрь куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Москва ва Бутун Русия патриархи Алексий Иккинчини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Алексий Иккинчини юртимизга ташрифи билан қутлаб, бу ташриф рус Православ черкови Тошкент ва Марказий Осиё Епархиясининг 125 йиллик юбилейи нишонланаётган кунларда амалга ошаётгани алоҳида аҳамиятга эгалигини таъкидлади.

— Узбекистон мустақилликка эришганидан буён ўтган қисқа даврда мамлакатда барқарорлик, фуқаролар тотувлиги, миллатлараро ҳамжиҳатликка эришилди, — деди Президент Ислом Каримов. — Бу эса халқимизнинг энг катта бойлигидир. Шу маънода, сизнинг ташрифингиз ҳам ана шу ҳамжиҳатлик ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деган умиддаман.

Москва ва Бутун Русия патриархи Алексий Иккинчи Президент Ислом Каримовнинг Узбекистонга ташриф буюриш ҳақидаги таклифи учун миннатдорлик изҳор этди. Узбекистонда халқлар ўртасидаги дўстлик ва турли дин вакилларининг ҳамжиҳатлиги мустаҳкамлигини, бу эса ҳар қандай давлат равнақининг гарови эканини таъкидлади.

Қабулда Узбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Роиқ Баҳодиров иштирок этди.

Қабул чоғида Тошкент ва Марказий Осиё Епархияси архиепископи ҳазрат Владимир ҳозир бўлди.

***

11 ноябрь куни Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Уэльс шаҳзодаси Чарльз Ҳазрати олийларини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов Шаҳзоданинг Узбекистонга ташрифи катта воқеа бўлганини, бу сафар мамлакатимизга, халқимизнинг бой тарихи ва маданиятига эътибор нишонаси эканини таъкидлади.

Юртбошимиз Узбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар ҳақида тўхталар экан, қисқа муддат ичида узаро алоқаларнинг ҳуқуқий асослари яратилганини ва у ҳамкорлик ривожи учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилаётганини қайд этди.

Шаҳзода Чарльз ҳазрати олийлари Узбекистон бўйлаб, жумладан унинг ажойиб гўшалари бўлган Самарқанд ва Бухорога сафари катта таассурот қолдирганини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашни ёқлаб фикр билдирди.

Суҳбат чоғида Узбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатларни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Узбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Буюк Британия ва шимолий Ирландия Бирлашган қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Барбара Логан Хей ҳозир бўлди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЖАРАЁН ҚАНДАЙ КЕЧАДИ?

(бошлангич синф ўқитувчиларига ёрдам)

3-бет

АКА-УКАЛАРНИНГ САВОБ ИШИ

ҳақида 4-бетда ўқийсиз

ҚАНДАЙ ЯШАЯПСАН, ТАЛАБА?

Репортаж

Биз буюк келажагимиз ёшлар қўлида эканлиги ҳақида кўп гапирамиз, хўб ёзамиз. Бироқ буюк келажакдек залворли юкни қўлда тутиб кета оладиган навқирон авлодни тарбиялаб, ўқитиб-ўстириб камолга етказиш осон эмас. Уларга айрича эътибор, айрича меҳр-муҳаббат керак. Айниқса, эрта-индин ўзлари ёшлар тарбияси билан шуғулланадиган, бугунча олий ва ўрта махсус билим юртлари йўлакларида куймаланиб юрган талаба ўғил-қизларга, расмий оҳангга солиб айтганда, бўлажак педагог кадрларимизга оталарча, чин устозларча ғамхўрлик зарур. Уларнинг мукаммал билим ва тажриба тўплашлари учун шарт-шароит яратишга ҳеч бир маблағни, имкониятни аямаслик лозим. Зеро, бундай саховатга дунёдаги кўпгина йирик мамлакатлар ҳам йўл бериб фақатгина ютуқ ва обрў топганлар. Бу ҳолга бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Хўш, мустақил республикамизнинг бўлажак педагог кадрлари қандай билим олишяпти? Уларнинг ҳар томонлама таълим-тарбия олиб, етук мутахассислар бўлиб етишишлари учун ётоқхоналарда шарт-шароитлар етарлими?

Биз шундай саволлар қуршовида яқинда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтига, 1- ва 2-Тошкент педагогика билим юртларига ташриф буюрдик.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти нафақат пойтахтимизда, балки бутун республикамизда катта обрў ва нуфузга эга бўлган олий ўқув юртидир. Унинг талабалар ва аспирантлар учун 10 та ётоқхонаси бор. Бу ётоқхоналарда бугунги кунда мингдан ортиқ талаба истиқомат қилмоқда.

— Илгари институтимизга жуда кўп талаба қабул қилинган, — дейди ТошДПИ ректорининг ўринбосари А. Қирғизбоев. — Шунинг учун ҳам ётоқхоналар кўплаб қурилган. Сунгги йиллар қабул миқдори қисқаргач, талабалар сони ҳам нисбатан камайди. Шу сабабдан, ётоқхоналаримизда бўш хоналар талайгина. Масалан, 9 қаватли ётоқхоналарнинг 5-6-қаватигача талабалар ўрнашишган, холос...

(Давоми 2-бетда)

МММ ХАБАРЛАРИ XABARLARI

ХЎЖАЙЛИДАН КУБАГА

Шу йил октябрь ойининг бошларида Самарқанд шаҳрида бокс бўйича 1978-79 йилларда туғилган ёшлар ўртасида Кубада ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун саралаш мусобақаси бўлиб ўтган эди. Унда 100 дан ортиқ спортчи қатнашди. Хўжайлилик Амет Есимбетов 48 килограммгача бўлган вазндаги ёшлар ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

Яқинда ёш «чарм қўлқоп» устаси А. Есимбетов Кубага жўнаб кетди.

YANGI NASHR

Qator yillardan buyon Buxoro davlat universiteti huzurida «Naqshbandiya» ilmiy markazi faoliyat ko'rsatib kelmoqda. Yaqinda ushbu markaz nashri — «Naqshbandiya» deb nomlangan gazetasining nishona sonini o'quvshilar hukmiga havola etdi.

«Naqshbandiya» ilk sonida Buxoro viloyati hokimi M. RAHMONOV, BuxDU rektori K. MUQIMOV va boshqalarning gazeta tahririyatiga yo'llagan tabriklari va o'nlab orifona o'qishli maqolalarga keng o'rin bergan.

ИЛМИЙ МУЛОҚОТ

Яқинда Туркия жумҳуриятининг Бурса ёш ишбилармонлар уюшмаси томонидан ташкил қилинган илмий экспедициянинг икки аъзоси Тошкент давлат университетининг раҳбарияти билан мулоқотда бўлишди. Суҳбатда Бурса шаҳридаги Улидоғ университети педагогика ва бадиий санъат факультети декани Али Ўзчелеби ва биология фанлари доктори, профессор Фахритдин Гузинлар ташрифдан асосий мақсад ўзаро ҳамкорлик эканини алоҳида таъкидлашди.

МУАЛЛИФЛАР: F. ЁҚУБОВ, Dilmurod JABBOR, Х. АБДУРАҲМОНОВ.

Очиқ мулоқот

Ҳар ким экканини ўради

Шофиркон тумани халқ таълими бўлимининг мудири Ҳалим Вафиев билан мулоқот

— Ҳалим ака, туман маорифчилари сизни мактаб соҳасиинг пири дейишади. Томдан тараша тушгандек, савол бўлиб туюлмасин-у, негадир ҳозирги ўқувчилар паст баҳога ўқишдан ор қилмай қўйишди. Бу ҳолатни сиз қандай изоҳлайсиз?

— Биз мактабда ўқиган даврларда аксарият ёшларнинг олдида турли институтларга кириб ўқиш нияти турарди. Ҳозир ҳам илмга ташналар кўп. Олий ўқув юртларига кириб ўқишни истайдиганлар учун «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ янги типдаги мактаблар — лицей, гимназиялар хизмат қилмоқда. Паст баҳо олиб ўқишдан уялмайдиганлар масаласига келсак, уларнинг у ёки бу ишчи касбларига мойиллиги бор. Ахир бундай касблар ҳам бизга керак-ку. Сир эмас, аксарият ўқувчилар ота-оналари, тарбиячилари таъсирида олиб-сотарлик, чайқовчилик йўлларига ҳам кириб бормоқдалар. Бундай ўқувчиларга ачинасан, киши.

— Уч йилдирки, олий таълим тизимидаги қабул имтиҳонлари тест усулида ўтказилаяпти. Бу эса адолатнинг қарор топишига ёрдам беради. Ўрта мактабларнинг юқори синфларида дарс бераётган муаллимлар тест афзалликларини тузукроқ тарғибот қилишлари керак. Кириш имтиҳонларида ошна-оғайнигарчиликнинг, пора олиб-беришнинг илдизига болта урилганини оддий халқ фарзанди тушуниб етсин.

— Тест синовларининг жорий қилиниши республикамизнинг таълим тизими таркибида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги даврдаги энг катта ютуғидир. Сиз

(Давоми 2-бетда).

Тилга эътибор — элга эътибор

КОНСТИТУЦИЯМИ ЁКИ ҚОМУСМИ?

Конституция сўзи ўзбек тилига рус тили орқали кириб келган. Россияда эса Петр I вақтида 1704 йилда поляк тили орқали ўзлаштирилган. Поляк тилига эса лотин тилидан кирган бўлиб, «барқарор, мустаҳкам, ўзгармайдиган» деган маъноларни англатади.

Конституциянинг лугавий маъноси шундай изоҳланади: «Давлатнинг ижтимоий ва давлат тузумини, сайлов системасини, давлат органларининг ташкил этилиши ва фаолиятини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаб берувчи асосий қонуни».

Охирги вақтда газета, радио, айниқса, телевидениеда конституция сўзи ўрнига қомус сўзи ишлатилмоқда. Шуниси ачинарлики, бу сўзни шоирлар, ёзувчилар, дикторлар айтишяпти. Шоир, журналистлардан тарқалган бу сўз халқимиз ўртасида оммалашиб кетиш хавфи бор.

Конституция сўзи ва қомус сўзлари ҳар хил бўлиб, бири-бирига мутлақо тўғри келмайди.

Қомус арабча сўз бўлиб қуйидаги маънони билдиради: «мукаммал, тўлиқ лугат». Масалан, Шамсиддин Сомийнинг «Қомуси — туркий» луғатини мисол келтириш мумкин. Оғзаки нутқда энциклопедия, энциклопедик лугат деб қўллаймиз. Қучма маънода эса ҳаётнинг ёки билимнинг бирор соҳасига оид тўлиқ асар, яъни мажмуа. Уни халқ оғзаки ижодининг қомуси дейиш ҳам ҳақиқатга мос. Қўриб турганимиздай, конституция сўзининг маъноси қомуснинг маъносига яқинлашмайди ҳам. Унда нега бу сўзни ишлатамиз?

Ҳар бир сўзнинг ўз маъноси бор, луғатларда изоҳи берилган. Ҳар бир тилнинг ўз қонунлари бор. Нега биз ўзбек тили қонунларини бузишимиз керак? Дейлик, нега зиёлилар билиб ёки билмай конституция сўзи ўрнига қомус сўзини ишлатишиб, тилимизга нисбатан ҳурматсизлик қилишади? Ўз тилини ҳурмат қилмаган одам ўз халқини ҳурмат қилмайди. Шу боис зиёлиларга айтар гапим: «Тиллар бир-бирини бойитади, бир-биридан нусха олади. Луғатларни титкиланг, аммо ўзингизча сўз ихтиро қилманг. Ана шундагина ўзингизни ҳурмат қилган, халқни, халқ тилини севган буласиз».

Б. ҲАМРОЕВ, Урганч давлат университети тил маркази директори, доцент.

Обуна тажрибаси

БИРИ КУТУБХОНАГА, БИРИ ҚАБУЛХОНАГА...

Институтимиз ходимларидан ташқари, муассасамизнинг ўзи ҳам ҳар йили халқ таълими тизимидаги барча газета ва журналларга обуна бўлади. Айниқса, «Маърифат»га икки нусхада обуна бўламиз. Нега икки нусхада? Чунки унинг бири кутубхонада сақланса, бири қабулхонада тахлам қилинади. Кутубхонадаги газетадан барча доимий суратда фойдаланади. Қабулхонада нега туриши керак демоқчимисиз? Ахир таълимда бўлаётган янгиликларни биринчи навбатда раҳбар билиши шарт эмасми? Таълимдаги янгиликлар эса илк бор ўз нашримиз — «Маърифат»да чоп этилади.

Даврон ШОДИЕВ, Қори Ниёзий номидаги педагогика илмий-тадқиқот институти директори.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Қадрли халқ таълими ходимлари: муаллимлар, профессор-ўқитувчилар, тарбиячилар ва талабалар!

Доимий ҳамроҳингиз, яқин дўстингиз ва маслаҳатчингиз, ўз қадрдон нашрингиз — «Маърифат» газетасига обуна давом этмоқда. Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

СЕВИМЛИ ГАЗЕТАНГИЗ «МАЪРИФАТ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

ШОГИРДЛАРДАН 20 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Энг бой «Майкрософт груп» компьютер компаниясининг директори Билл Гейтс ва унинг ўринбосари Стивен Боллер Гарвард университетига компьютер фанлари марказини ташкил этиш учун 20 миллион доллар маблағ ажратишди. Б. Гейтс Гарвард университетини 20 йил олдин, С. Боллер эса 1977 йили тугатган студентлардир.

АЧЧИҚ ШИРИНГА АЙЛАНСА

Гананинг тропик ўрмонларида ўсувчи синсепаль мевасини еган кишига ҳар қандай: аччиқ, ширин, нордон таом ҳам энг мазалидай бўлиб туюлаверади. Саёҳатчи хотираларида ёзилган бу сатрларни текширган бир гуруҳ АҚШ олимлари ҳам бир неча соат давомида синсепаль мевасининг таъмидан лаззатланиб юрдилар.

ХАЁЛНИНҒ ЎРНИ

Вашингтон геронтология марказининг доктори Леонард Гиамбра хаёл суриб асабингизга ҳордиқ беринг дея маслаҳат бермоқда. Олимнинг фикрича, бунда ташвишларингизни унутасиз ҳамда хаёл сизга муаммоларнинг кутилмаган ечимларини кўрсатиб беради.



ЯДРОДА ҲАЁТ БОРМИ?

Атлантика океанида тадқиқот ўтказаётган британиялик олимлар 3,5 километр чуқурликдан топган микроорганизмлар 170 даража иссиқликда яшаб, бактериялар билан озиқланар экан. Профессор Жон Паркснинг айтишича, энг ажабланарлиси ернинг тубига чуқурлашилган сари бактерияларнинг тобора кўпайиб бораётганлигида.

ҚУЁШ ШАМОЛИ

Еттита спутникнинг ишдан чиқиши, Канададаги электр тармоқларининг эриб қолиши қуёш шамолининг юқори энергияли протонларининг атмосферага кириб келиши туфайли рўй берди. АҚШ Космик тадқиқот агентлиги биринчи бор қуёш шамолининг вақтини ва кучини олдиндан кўрсатиб бериш мақсадида махсус спутникни космосга учирди.

АРХЕОЛОГЛАР АФСОНАНИ ЙЎҚҚА ЧИҚАРИШДИ

Археологлар тадқиқотлари шуни кўрсатдики, немис иркининг бошқа ирқлардан устунлиги нотўғри экан. Бир пайтлар нацистлар тарғибот қилган ва улар асос сифатида герман эпосларидаги қаҳрамонлар ҳаёт ҳақиқатига тўғри келмас экан. Немисларнинг қадимий авлодларининг деҳқончилиги ва техникаси жуда қолоқ бўлган. Немислар тахмин қилинганидан кўра 400 йил кейин темирни эритишни ўрганганлар.

ҚАНДАЙ ЯШАЯПСАН, ТАЛАБА?



Умуман олганда, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ётоқхона биноларининг кўриниши ёмон эмас...

(Боши 1-бетда).

Биз институтнинг 1 ва 2-ётоқхоналаридамиз. Ҳар иккала талабалар уйининг кириш қисми ҳийла шинам ва озода. Деворлар ҳар хил шиору суратлар билан безатилган. Махсус тахтачага турли-туман буйруғу кўрсатмалар, эълону режалар ёпиштирилган. Талабалар ювош тортиб кириб-чиқиб туришибди. Айниқса, 2-ётоқхона ёнида ташкил этилган ошхона хийла гавжум.

— Биз ҳамиша шу ерда овқатланамиз, — дейди талабалардан бири. — Чунки бу ошхонада таомлар кўчадагидан икки баробар арзон, студентбоп...

Ётоқхоналарнинг бусағасиданоқ манзараларни кўриб, димоғимиз чоғ бўлди. Бироқ «Талабалар уйи»нинг юқори қаватларига кўтарила бошлаган сайин мамнунлигимиз қўпга чўзилмаслигини сездик. Юқори қаватларнинг аксариятида катта ниятлар билан лойиҳачилар лойиҳалаштирган, қурувчилар ўрнатиб кетган электр плиталар йўқ, айтишларича, дом-дараксиз йўқолган. Аччиққина чойдан ҳўплаб дарс тайёрлашни орзу қилган талаба биринчи қаватга тушиши ёки бундай «бемаъни» хаёлни бошдан чиқариб ташлаши керак. Кўпчилик эса ҳаммасига қўл силтаб, электрдан хавфсиз фойдаланишнинг барча тартиб-қоидаларига чап бериб қўлбола сув қайнатгич симларидан фойдаланишади.

Ётоқхоналар хийла таъмирталаб. Ошхона ва ювинишхона, дея аталадиган махсус жойларда сув жўмракларининг аксарияти ишламайди. Раковиналар етишмайди. Ҳоллар бум-буш, файзсиз. Ҳолбуки, бу ерда талабалар дам олиши учун махсус бурчаклар ташкил этиб қўйишнинг имконияти бор. Талаба ҳар томонлама билим олиши учун энг аввало нима зарур? Албатта, кутубхона-да! Талаба замон билан ҳамнафас бўлиши учун республикамизда, қолаверса, жаҳонда юз бераётган воқеалардан хабардор бўлиб, уларга ўз муносабатларини билдириши учун нималар керак? Албатта, телевизор-радио, газета-журналлар-да! Афсуски, ётоқхоналарда бундай имкониятлар умуман йўқ. 1-ётоқхонадаги иккита ишламайдиган телевизор бир-бирини «томоша» қилгандек рўбарў турибди.

Тўғри, ҳозир иқтисодий қийинчиликлар пайти. Ётоқхоналарни қулинг ўргилсин қилиб таъмирлашни, барча шарт-шароитларни муҳайё этишни унча-бунча чўнтак кўтаролмайди. Бироқ «қўлимиз калта-да», деб лоқайдларча қараб туришга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Талабалар — бу катта куч. Уларни уюштириб, руҳлантириб иш юритилса, унчамунча ётоқхоналарни қўғирчоқдек ясантириб қўйса бўлади. Зеро, ётоқхоналар — талабаларнинг ўз уйи, бизнинг миллий қадриятларимизда ўз яшаш жойини хароб қилиб қўйиш ҳеч қачон оқланмаган. Қолаверса, бу институтнинг талабалари эртага мактаб ўқувчиларига нафақат фанлар бўйича сабоқ беради, балки ёшларни уюшқоқликка, ҳамкорликка ўргатади. Шунинг учун улар талабалик чоғлариданоқ бундай тажрибага эга бўлиб боришаверса, фойдадан холи эмас.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти раҳбарлари ҳам ётоқхоналардаги мавжуд камчиликларни тан олиб, надоматлар билан бош чайқашаяпти. Онда-сонда «Қўлдан келганча шароитни яхшилашга ҳаракат қилаяпмиз», — дея узларини оқлаб қўйишаяпти. Бироқ биз 1- ва 2-Тошкент педагогика билим юртлари ўқувчилари ётоқхоналарига ташриф буюриб, чиндан ҳам қўлдан келганча ҳаракат қилиш қандай бўлишига гувоҳ бўлдик.

2-Тошкент педагогика билим юртининг 200 ўринга мўлжалланган мўъжазгина ётоқхонаси бор. Бу ерда ҳам талабалар худди номи юқорида тилга олиб ўтилган институтнинг талабаларидек ётоқхоналардан бепул фойдаланишар экан. Аммо... Бу ердаги шарт-шароит, ободончилик институт ётоқхоналаридан кескин фарқ қилади.

— Бу йил, — дейди 2-Тошкент педагогика билим юрти директори О. Эшонхўжаева, — ўқув юртимиз таъмири учун 3 миллион сўм атрофида харажат қилдик.

Ўқувчилар истиқомат қиладиган ётоқхонани кўздан кечирдик. Барча қаватлар шинам ва озода. Жуда яхши таъмирланган. Ошхона, ювиниш хонаси, дам олиш хонаси ва ҳоказо хоналарда қулай шарт-шароитлар муҳайё. Бу ердаги муъжазгина кутубхона ўқувчи қизлар билан гавжум. Дам олиш жойида бир гуруҳ ёшлар телевизор томоша қилиб ўтиришибди.

1-Тошкент педагогика билим юртида ҳам ўқувчилар яшашлари учун кўнгилларни қувонтирадиган шарт-шароитлар бор. Бу ердаги ётоқхонада 600 дан ортиқ ўқувчи истиқомат қиларкан.

— Ўқувчиларимизнинг катта қисми ёш қизлар, — дейди 1-Тошкент педагогика билим юрти директорининг ўринбосари С. Зарифхўжаева. — Уларнинг ҳуда-беҳудага кўчага чиқиб кетавермасликлари учун, кўриб турганингиздек, ётоқхонанинг шундоққина ёнидан махсус дўкончалар очиб қўйибмиз. Қизларимиз зарур нарсаларни шу ердан харид қилишади ёки сотувчига буюртма қилиб олиб келтиришади...

Ҳа, бу нуфузли билим юртида ёш педагог мутахассисларга миллий қадриятларни чуқурроқ сингдириш учун анчагина хайрли тадбирлар йўлга қўйилган. Уларнинг аксариятига ётоқхона тарбиячилари бош-қош. Хусусан, ётоқхона қошида тикиш-бичиш, мусиқачилик тўгараклари ишлаб турибди.

Ётоқхонадаги махсус буфет, дам олиш жойларидаги телевизорлар, ҳатто видео аппаратуралар ўқувчи ёшлар хизматида.

Хўш, 1- ва 2-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси бундай шарт-шароитларга қандай эришди? Нега, улар иқтисодий қийинчиликларни, ҳамён касаллигини баҳона қилишмаяпти? Демак, ҳамма гап интилишда, яхши шароит учун имкон излашда. Қолаверса, талабаларни уюштириб, уларнинг кўнглига йўл топа билиб иш юритишда. Бунинг учун мутасадди ўртоқлар ҳам масъулиятни ҳис қила билишлари керак.

Луқмон БЎРИХОН,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.



Бироқ ичкарида таъмирталаб жойлари ҳам борки, уларни тез фурсатда бартараф этиш керак бўлади.



Талабалар ётоқхона ошпазининг хизматидан мамнун эканликларини айтишди.

Суратказ Рашид ГАЛИЕВ.



Ҳар ким экканини ўради

(Боши 1-бетда).

юқорида жуда тўғри таъкидлаб ўтдингиз. Ушбу усул туфайли олий ва ўрта махсус ўқув юртларини билимли, лаёқатли, иқтидорли ёшлар билан таъминлашга эришилаяпти.

Шофиркондаги мактабларда бу соҳада ўқувчи ва ўқитувчилар орасида қизғин тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Физика-математика фанига ихтисослаштирилган 128-мактаб-интернат (директори М. Шарипов)ни мисол қилиб айтмоқчиман. Ўтган ўқув йилида бу мактаб-интернатни 35 нафар ўқувчи муваффақиятли битириб чиқди. Шулардан 33 нафари олий ўқув юртлари талабаси бўлди. Бу шунчаки гап эмас, албатта. Бунинг заминида маорифчиларимизнинг изчил ижодий меҳнати ётади.

Ўқувчиларимизнинг тест синовига бўлган қизиқишлари катта. Улар бу соҳада қўшимча машғулотлар ташкил этиш, мактабларда тез-тез тест синовлари ўтказиб туриш таклифини ўртага ташлашади. Ва бу борада маълум саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

— Мен халқ таълими бўлими муассасаларида хизмат юзасидан кўп юраман. Ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муомала гўёки издан чиққанга ўхшайди. Назаримда, «меҳрсизлик» вужудга келиб қолдимикин? Сабаби нима, йўқчиликми, тўқчиликми?

— «Меҳрсизлик!» — замонамизнинг энг долзарб муаммоси. Келинг, мен мухтасаргина қилиб, айрим хулосаларимни баён қилсам.

Биринчидан, биз кечагина чангалидан қутулган тузум таълим, тарбиянинг асрий илдизларига болта урди. Оқибатда ўзлигини яхши билмайдиган, тарихдан бехабар, енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юрувчи авлод юзага келди. Улар ҳозир ота-онадир. Уларнинг фарзандлари эса бугунги кунда мактабларга қатнашмоқда. Уйида болаларга эртак айтиб, китоб ўқиб бериш ўрнига кўчада қарта ўйнаб, тўйларда маст бўлиб, жанжал кўтарадиган айрим отадан бечора бола нимани ўргансин?

Иккинчидан, ўқитувчилар орасида ҳам «брак»лари борлигидан кўз юмолмаймиз. Бу ҳам ўша ўтган (ўтгани рост бўлсин!) тузумнинг сарқити. Ошнаоғайнигарчиликнинг, «дасти узунлик»нинг аччиқ «мева»си.

Учинчидан, иқтисодий қийинчиликлар гирдобига тушиб қолиш. Бироқ турли баҳоналарни рўкач қилиб, ўқитувчилик касбини мўмай даромад келтирадиган ишга алмаштирувчи, енгил пул топишга ўрганганларга нисбатан ихлосингиз қайтади.

Юқоридагилардан ташқари, яна кўплаб сабаблар ҳам бор. Буни мактаб — оила — жамоатчилик ҳамкорлигида бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилинса, ўйлайманки, «меҳрсиз масофалар» қисқаради, камаяди.

— Халқимиз азал-азалдан табиблар ва муаллимларга ихлос қўйган. Улар қадам ранжида қиладиган ҳовли чиннидай сақланган. Чунки бу касб эгаларидан бири тан шифокори бўлса, иккинчиси руҳ шифокори саналган. Мустақил юрт муаллими қизил мафкуравий таълим даври ўқитувчисидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилиши керак? 2000 йиллар, яъни XXI аср халқ таълимини, унда мактаб, ўқувчи ва ўқитувчи муносабатини қандай тасаввур қиласиз?

— Бу саволингизга юқорида қисман бўлса-да, жавоб бердим. Тўғри, азал-азалдан муаллимларни «устоз» деб улуғлаб, эъзозлаганлар. Бироқ кейинги ўн йилликларга келиб, муаллимнинг обрўси анчагина пасайди. Менимча, ўқитувчининг ҳурмати, таълим-тарбиянинг сифат ва самарадорлиги билан белгиланади.

Давлатимизнинг бош мақсадларидан бири билимли, тарбияли соғлом авлодни вужудга келтиришдир. Бунга ким масъул? Биринчи галда ўқитувчилар, мураббийлар ва барча зиёлилар. Биз остонасида турган XXI асрда бугунги кундаги барча уринишларимиз, ҳаракатларимизнинг мевасини кўрамиз, деган умиддаман.

— Сермазмун, очиқ мулоқотингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош
Дилмурод ЖАББОР.

ИЖОДКОРЛАР ТАНЛОВИ

Яқинда Бухоро шаҳрида «Ижодкор ўқитувчи» кўрик-танлови ўтказилди. Унда вилоятнинг барча туманларидан келган ўқитувчилар ўзларининг ижод намуналари билан қатнашдилар. Танлов якунига кўра биринчи ўрин жондорлик ўқитувчи Ҳазрат Зулфиқоровга берилди.

Кўрик-танлов якунида вилоят ижодкор ўқитувчилари уюшмаси тузилди.

У АҲРОРОВ.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАДБИР

Яқинда Нурота тумани марказий маданият уйида туман ҳокимлиги, маданият бўлими, халқ таълими бўлими ҳамкорлигида илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда Амир Темурни мадҳ этувчи лавҳалар, ашулалар намойиш этилди. Шаҳардаги маҳаллаларнинг ҳунармандчилик бўйича кўргазмалари, мактабгача тарбия муассасалари ва мактабларнинг Амир Темурга бағишланган фотостенд ва альбомлари намойиш қилинди. Марказий кутубхона эса Амир Темур ҳаёти тўғрисида кўргазма ташкил этди.

М. КАРИМОВА.

Янги турдаги ўқув муассасаларида

ҚОБИЛИЯТНИ МЕҲНАТ ШАКЛЛАНТИРАДИ

Бугунги кунда мустақил Узбекистонимизнинг келажагини яратадиган, буюк ишларни давом эттира оладиган ёшларни тарбиялаш, уларга замонавий билимлар бериш долзарб вазифа ҳисобланади. Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида 1991 йилда янги турдаги ўқув муассасаси — лицей очилганида юқоридаги каби мақсадлар назарда тутилган эди. Мана, орадан беш йил ўтди. Ҳозир бу мақсадга тула эришиляпти, дейиш мумкин.

Лицейда дастлаб учта синфга 9-синф болаларидан 60 нафар ўқувчи танлаб олинган эди. Туман ҳокимлигининг бевосита раҳбарлиги, айниқса, ҳоким Нуъмонжон Муминовнинг ташкилотчилиги, ташаббуси зое кетмади. Бешариқда бақувват ҳисобланган момиқ фабрикаси, «Яккатутқишмаш» заводи, Яккатут ширкатлар уюшмаси, паррандачилик фабрикаси янги ўқув даргоҳига ҳомийлик қилди. Натижада лицейнинг моддий асоси вужудга келтирилди.

Зиё маскани директори, техника фанлари доктори, профессор Олимжон Ваҳобов туманда энг яхши ҳисобланган муаллимлардан бир гуруҳини талабчанлик билан ишга танлаб олди. Ўқитувчилар гуруҳи ҳозирги кунда болаларга пухта билим беришга бел боғлаганлар. Улар машғулотлар жараёнида ўқувчиларга республикамиз ҳаёти, унинг хорижий мамлакатлар билан алоқалари, иқтисодиёт, маданият, маънавият ва маърифат борасида ҳам атрофлича маълумотлар беришяпти. Лицейда, асосан, математика, физика, кимё, биология, она тили ва адабиёт, инглиз тили фанлари такомиллаштирилган дастурлар асосида ўқитилади. Бу ерда ўғил-қизлар тиббиёт ва чет тили мутахассисликлари бўйича ихтисослашадилар.

Лицей ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси Андижон медицина институти, Фарғона давлат университети, Қўқон давлат педагогика институти ҳамда Тошкент давлат техника дорилфунуни билан яқиндан алоқа боғлаганлар. Мазкур олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ҳар чорак охирида келиб, машғулотларда ўз маърузалари билан қатнашадилар ҳамда лицейга қабул имтиҳонларида иштирок этадилар.

Зиё масканида дарслар бир сменада олиб борилади. Аммо ўқувчиларнинг бўш вақтлари сира бекор кетмайди. Улар машғулотлардан кейин фанлар бўйича очилган тўгаракларга келишади. Бунинг самараси яхши бўлаяпти. Яъни болаларнинг билими янада пухталаняпти. Натижада улар қаерга ўқишга боришса, тест синовларига осонгина жавоб беришяпти. Мисол учун, 1992-93 ўқув йилида лицейда таҳсил олган 17 битирувчидан 13 нафари тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, олий ўқув юртларига ўқишга кирган эди. Бу далил зиё маскани муаллимларининг янада дадилроқ, кўпроқ, баракали ишлашлари учун туртки бўлди.

1993-94 ўқув йилида лицейни битирган 27 ўқувчидан 21 нафари шу йилиёқ олий ўқув юртларига қабул қилинди. 1995 йилда битирган 53 талабадан эса 47 нафари республикамиз олий ўқув юртларига кириб ўқишмоқда.

Андижон тиббиёт институти профессор-ўқитувчиларининг айтишларича, лицейда таҳсил олган талабаларнинг ҳар ўн нафаридан 9 нафари «аъло» баҳоларга ўқимоқда.

Мана, лицейчиларнинг қарийб 90 фоизи ўрта мактабни битираётган ўз тенгдошларини ортда қолдириб, олий ўқув юртларига ҳеч қандай қийинчиликсиз кириб кетишаётган экан, бунинг сири нимада?

Лицей биносига кирсангиз ўзига хос масканга кирганлигингизни ҳис қиласиз. Масалан, ўқувчилар юзида қандайдир билимга чанқоқлик, зукколик, иштиёқ сезилади. Суҳбатлашиб кўрсангиз, сизни мураккаб саволларга қумиб ташлашади. Болаларни умуман бекор кўрмайсиз: ҳали китоб ўқиётган бўлишади, ҳали баҳс қуришади. Бир қарасангиз, тўгаракларга ошиқишади. Атрофдаги манзара, фаолиятни кузатган киши бундай қобилиятни меҳнат тарбиялаб, улғайтирар экан, деган хулосага келади.

Хуллас, лицей қучоғида қайноқ ҳаёт давом этяпти. Машғулотларнинг мазмун мароми тўхтагани йўқ. Унда таҳсил олаётган ўғил-қизлар нафақат ўзлари яшаётган Бешариқ туманининг, балки бутун мамлакатимизнинг муносиб келажак ворисларидирлар, деб баралла айтиш мумкин.

Муроджон ДАДАБОЕВ,
Аваз ХАЙДАРОВ.

Халқ таълими фидойилари

САКСОН ЁШЛИ МУАЛЛИМ

Бундан ўн олти йил муқаддам август ойида қрим-татар муҳарририятида қизиқ учрашув бўлиб ўтди. Рузноманинг масъул котиби Абдулазиз Валиев, жамоатчи мухбирлар Аҳмад Усмонович Мемишев (Оқкошли), Риза Шокирали —тиббиёт фанлари номзоди, доцент-уролог 1-ТошМИда (1918—1978), Мустафо Халилов кекса муаллим (1901) Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, қрим-татар миллий маркази фаолларидан бири (Бешёғочдаги ҳаммом билан Халқлар дўстлиги саройи оралиғидаги маҳаллада яшаган), Зубайда Шехаметова (врач-невропотолог)ларни илиқ табассум билан кутиб олди. Улар бир-бири билан 31 йил учрашмаган синфдошлар эдилар. Улар даврасидаги Мустафо ота синфдошларнинг домласи эди. Гапдан-гап чиқиб Риза Шокирали Аҳмад акадан сўраб қолди:

— Сен қаерда туғилгансан ва қаерда ўқигансан?

— Мен Боқчасаройда туғилганман, Исмоил Гаспирали номли мактабда ўқиганман, —деди Аҳмад ака.

— Сен кимларни танийсан, — деди Риза Шокирали.

— Мен Ризани, Аҳмадни, Мустафони, Зубайдани, Набини танийман,— деди Аҳмад ака.

— Аҳмад урушнинг биринчи йили улиб кетган-ку, мен ундан келган «қора хат»ни унинг ота-онасига ўқиб берганман, унинг учун ота-онасига нафақа тайинланган, — деди Риза ака.

— Йўқ, ўша Аҳмад менман, — деди Аҳмад ака ҳаяжон билан.

Синфдошлар ва устоз Мустафо Халилов бир-бирлари билан қучоқлашиб қайта кўришдилар. Абдулазиз Валиев ҳайрон бўлиб қолди.

Аслида Аҳмад ака 1939 йилда кўнгилли равишда армияга сафарбар қилинди ва фин урушида фаол иштирок этди. Кейин Елецк — Воронеж шаҳарлари учун ҳаёт-мамот жангларида мардлик, жасорат кўрсатди. У қули, оёғи, кўкрагидан ўқ еди. Тузалиб яна жангга кирди, лекин кетма-кет уч марта қаттиқ ярадор бўлиб, Томскдаги ҳарбий госпиталда 1944 йил кузигача даволанди.

Жанг майдонидан қайтиб келмагани учун полк командири А. М. Шлюфкин ва полк комиссари Горбоконь Боқчасаройга «қора хат» жўнатган эди. Аҳмад аканинг ота-онасига ўғли учун нафақа тайинланган эди.

Аҳмад ака узоқ муддат даволанса-да, унинг баданидаги ўнлаб осколкаларни олиб ташлашнинг иложи бўлмайди. Шу боис врачлар унга иссиқроқ жойга бориб яшашни тавсия қиладилар. Аҳмад ака ўз хоҳиши билан Узбекистонга келади. 1945—1947 йилларда ўзининг севган касби бўйича Оққўрғон, Паркент туманларида муаллим ва мактаб раҳбари бўлиб ишлади.

1948 йили Аҳмад ака Тошкентга келиб, Маориф вазирлигига учрашади. Вазирликда Шайхонтоҳур (уша вақтда Октябрь) тумани халқ маорифи инспектори (кейинчалик туман халқ маорифи бўлими мудири) Акбар ака Сайдаҳмедов билан тасодифан учрашиб қолади. 17-18-дивизияда хизмат қилган қуролдошлар бир-бири билан дийдор кўришганидан жуда хурсанд бўладилар, севинчлари боғоят ичларига сиғмайди.

Акбар аканинг таклифи ҳамда катта ёрдами билан Аҳмад ака Шайхонтоҳур туманидаги 40-ўрта мактабга рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишга жойлашади.

Шундан бери орадан эллик йилга яқин вақт ўтди. Бир жойда, бир мактабда ишлаган Аҳмад ака туман, шаҳар, республика муаллимлари орасида обрў қозонди, эл оғзига тушди.

Шу йиллари мактабда республикада кенг танилган педагогика фанлари номзоди Саъдулла Исматов ишларди. Бу қалби дарё устоздан узбек тилини чуқур ўрганди, миллий расм-русумларни ҳар томонлама узлаштириб олди.

Унинг 50 йиллик педагогик фаолияти давомида кўп эсда қоларли воқеалар юз берди. 1948—1953 йиллар орасида у бутун дунёга номи кетган байналмилалчи отахон Шоаҳмад Шомаҳмудов (1890—1970) ва унинг рафиқаси Баҳри Акрамова (1903—1989)нинг 14 фарзандидан Шуҳрат, Эргаш, Қоравойларга дарс берди ва синфга раҳбарлик қилди. Шу давр ичида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов мактабга 3 марта келди. Усмон ота Аҳмад акага шундай деб тайинлади: «Сиз синф раҳбари экансиз, шу етим болаларни бепул икки марта ҳар куни икки ҳисса қўшиб овқатлантиринг, таълим-тарбиясига алоҳида эътибор беринг, нима камчилик бўлса менга телефон қилинг»...

Аҳмад ака узбек тили фани жонкуяри ҳамдир. 1995—96 ўқув йили олдидан мактабда рус тили ва адабиёти фанидан туман ўқитувчиларининг август кенгашида «Ҳар бир исм улуғ» мавзуида маъруза қилди. Маърузада, айниқса, ўқувчиларнинг ҳар икки тилда чалкаштирмай тўғри, аниқ, хатосиз ёзишга эътиборни кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Бу маъруза савол-жавоб асосида қизиқарли ўтди ва муаллимларнинг қизғин баҳсига айланди.

Аҳмад ака 80 ёшга яқинлашишига қарамай доимо ўзини ёш кўрсатишга ҳаракат қилади. Ҳазил-мутойибага уста бўлиб, касбдошларининг ҳар доим кўнглини кўтаради. Бу тиниб-тинчимас инсон тилга эътибор, Ватанни севиш, меҳнатсеварлик мавзуларида шеърлар ёзиб, республика газеталарида қатнашиб туради.

Аҳмад Усмонович Мемишев жанг майдонларида кўрсатган жасоратлари учун орден-медаллар, шунингдек, 50 йилдан ортиқ маориф соҳасидаги хизматлари учун 2 марта «Шуҳрат» медали, Узбекистон халқ маорифи аълочиси, Халқ таълими фидойиси унвонлари билан тақдирланди.

Маориф фидойиси қўлида Тоҳир Малик — ёзувчи, Мурод Ғофуров — журналист, Шуҳрат Қосимов — халқаро шарҳловчи, журналист, Самад Акромов — химия фанлари доктори, Эркин Қосимов — иқтисод фанлари доктори, профессор Диловар Мирбобоев, Асқар Салимов — техника фанлари номзоди, Уткир Саидкаримов — математика фанлари доктори ва бошқа таниқли кишилар таълим олган.

Аҳмад Усмонович меҳрибон ота сифатида ҳам севимли рафиқаси Мушаррафхон Нуъмоновна билан биргаликда беш фарзандни етук олий маълумотли қилиб тарбиялади. Ўғилларидан Фарид — қурувчи, Шомил — моҳир учувчи, Рашид — қрим-татар телевидениесида бош муҳаррир, қизлари Фотима ва Зуҳра олий даражали физика-математика ўқитувчиси. Улардан 17 та невара ва чевара кўрган.

Пиру бадавлат отахон айни кунда ҳам меҳнат жабҳасидан бир қадам жилгани йўқ. Унинг қизғин фаолиятидан ҳар бир мураббий ўрнак олса арзийди.

Назиржон ҲОЖИМАТОВ.

Иқтисод сабоқлари

БИРЖАЛАР, АУКЦИОНЛАР, ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК

Капитал ҳамда маблағ бозорида эркин маблағлар ёки капиталлар уларнинг эгаларидан, яъни инвеститорларидан шу маблағ ва капиталларга муҳтож кишилар, эмитентлар томон ҳаракат қилади. Маблағ бозоридаги алоқалар ҳар хил инвеститорлардаги эркин пуллар, капиталларни бир жойга тўплашга ва уларни унумли тақсимлашга имкон беради. Эмитент сифатида давлат, маҳаллий раёсатлар ва хусусий ташкилотлар ҳам бўлиши мумкин. Эркин маблағлар (мулклар) қимматбаҳо қоғозлар ёрдамида йиғилади.

Йиғилган эркин маблағлар муҳим дастурларни амалга ошириш, маҳаллий муаммоларни ҳал этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унумдорликни ошириш, ишлаб чиқариш соҳаларини кенгайтириш, таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун ишлатилади. Капитал бозорида эркин маблағ эгалари, мулкдорлар маблағларини қимматбаҳо қоғозларга сарфлашлари ва ташкилотлар фойдасини баҳам кўришлари, эмитентлар эса, яъни маблағга муҳтожлар, ўз эҳтиёжларини қондириш учун етарли маблағ олишлари мумкин. Қимматбаҳо қоғозлар эмитентлар томонидан чиқарилади.

Маблағ бозорида иштирок этадиган ҳамма қимматбаҳо қоғозларни икки тоифага бўлиш мумкин:

Биринчи тоифадаги қимматбаҳо қоғозлар эвазига мустаҳкам, аниқ миқдордаги даромад белгиланади ва даромадларни тўлаш даври ҳам аниқ кўрсатилади. Нота, облигация, вексель, ипотек каби қимматбаҳо қоғозлар шулар жумласидандир.

Иккинчи тоифадаги қимматбаҳо қоғозлар — бу акциялардир. Акция эгалари ташкилот мулкига шерик ҳисобланади ва уларнинг даромадлари аниқ қилиб белгиланмайди. Акция эгаларининг даромадлари дивидент деб аталади. Дивидент миқдори акция таллуқли бўлган ташкилотнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Қимматбаҳо қоғозлар уларнинг чиқарган эмитентларига қараб қуйидаги кўринишда бўлади:

— давлат томонидан тўлаш мажбуриятига асосланган ҳар хил операциялар ва дастурларни амалга ошириш учун чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар. Одатда бундай қимматбаҳо қоғозларнинг ўзини тахминан учга бўлиш мумкин:

1) давлат томонидан чиқарилган ва сотиб олиниши ҳамда сотилиши мумкин бўлган қоғозлар — вексель, нота ва облигациялар;

2) давлат томонидан чиқарилган ҳамда сотилиши мумкин бўлмаган қимматбаҳо қоғозлар — жамғарма облигациялари;

3) давлат томонидан маълум бир миқдордаги даромад кафолат қилинган қимматбаҳо қоғозлар,

— маҳалла раёсатлари томонидан чиқарилган ҳар хил қимматбаҳо қоғозлар;

— корхона ва ташкилотлар томонидан чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар;

— тўланиш мажбуриятига эга бўлган, хусусий ташкилотлар томонидан чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар.

Маблағ бозорида қимматбаҳо қоғозлар маълум шахслар қўлида, ташкилотлар қўлида ҳаракат қилади. Қимматбаҳо қоғозларнинг айланиш вақтига қараб маблағ бозорини хаёлан иккига бўламиз: дастлабки ва кейинги.

Дастлабки маблағ бозорида янги қимматбаҳо қоғозлар янги капитал воситаларини тўлаш мақсадида чиқарилади. Янги чиқарилган давлат ёки маҳаллий раёсат облигациялари махсус ташкил этилган аукционларда дастлабки диллерларга талаб ва таклиф туфайли юзага келган баҳода сотилади. Дастлабки диллерлар ролида банклар, брокерлик ташкилотлари бўлишлари мумкин. Улар сотиб олган қимматбаҳо қоғозларни қимматроқ нархга сотишга ҳаракат қилишади. Қимматбаҳо қоғозлар эмитентлар томонидан тўғридан-тўғри талабгорларга сотилиши мумкин.

Қимматбаҳо қоғозлар дастлабки бозорда сотилганидан сўнг улар кейинги бозорга тушади. Кейинги бозорларда қимматбаҳо қоғозларни сотиш ва харид этишнинг бир нечта йўллари мавжуд. Кейинги бозорда давлатга ва маҳаллий раёсатга тегишли бўлган қимматбаҳо қоғозларнинг кўп қисми аукционерларсиз, биржаларсиз, аммо махсус диллерлар — воситачилар орқали талабгорларга етказилади. Акцияларнинг маълум қисми ҳам шу сингари сотилиши мумкин.

Қимматбаҳо қоғозларнинг кейинги бозорида эмитентлар янги маблағга, мулкка эга бўлолмайдилар. Аммо кейинги бозор қимматбаҳо қоғозларни сотилиш, уларни нақд пулга айланиш вақтини тезлатади. Бу эса натижада, инвесторлар олдида қимматбаҳо қоғозлар обрусини, инвесторларнинг қимматбаҳо қоғозларига нисбатан бўлган ишончини оширади. Қимматбаҳо қоғозларнинг кейинги бозори бозор иқтисодиётида капитал, маблағларнинг эркин ҳаракати учун катта имкониятлар яратиб беради.

Кимки акциялар ҳақида ҳамма нарсани биламан, деб ўйласа, қаттиқ янглишади. Капитал бозори фаолияти, акциялар фаолияти ҳақида жамики ахборотларни ҳеч ким тўлиқ билмайди. Чунки улар доимо ўзгарувчан тизимлардир. Минглаб мутахассислар ушбу тизимни ўрганиш ва уни ривожлантириш билан банд бўладилар. 1990 йилда татбиқ этилган Нобель мукофоти маблағ бозори ҳамда қимматбаҳо қоғозлар соҳасини ўрганиш билан шуғулланган мутахассисларга берилганлигининг ўзи бу муаммонинг қанчалик мураккаблигидан далолат беради.

Капиталлар бозори — бу бозор иқтисодиётининг қон тизими, фақат шу ерда маблағга муҳтож бўлган ташкилотлар инвесторларини топишади. Инвесторлар эса эркин маблағларни фойдали, унумли сарфлаш имкониятига эга бўладилар.

Акция чиқармоқчи бўлган ташкилот учун акцияни чиқариш ва уни бозор муҳитида рўйхатдан ўтказиш хоҳишининг ўзи етарли эмас. Бунинг учун ташкилотнинг ўзи ҳам, у чиқарадиган қимматбаҳо қоғозлар ҳам дунёдаги кўп давлатларда мавжуд бўлган айрим талабларга жавоб бериши керак.

Маблағ бозорининг ривожланиш тарихи инсонни кўп нарсага ўргатади. Ҳозирги вақтда маблағ бозори илмгоҳлари давлат илмгоҳлари билан биргаликда бозорни ҳамда унинг иштирокчиларини ҳар хил тасодифлардан ҳимоя қилиш йўлларини изламоқдалар.

Барча давлатларда қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва уни сотиш ҳақидаги қоидалар мавжуд. Бундан асосий мақсад — маблағлар бозори ва инвесторларни виждонсиз ишбилармонлар, ёлғончилик ва кўзбўямачиликлардан ҳимоя этишдир.

АҚШда қимматбаҳо қоғозларни дастлабки бозорга таклиф этиш учун қимматбаҳо қоғозлар комиссияси ва биржа рўйхатидан ўтиши керак. Бу комиссия ва биржа инвесторларни эмитет ҳақидаги керакли ахборотлар билан таъминлайди.

Қимматбаҳо қоғозлар туфайли тўпланган маблағларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, замонавийлаштириш, ишлаб чиқариш соҳасини ўрганиш, қарзларни узиш ва бошқа мақсадлар учун сарфлаш мумкин. Акциялари катта талабга эга бўлган ташкилотлар яна янги акциялар чиқариш орқали қўшимча маблағга эга бўлишлари ҳам мумкин. Бундай ташкилотлар банклар олдида ҳам катта обрўга эга бўладилар.

Қимматбаҳо қоғозга нисбатан бўлган юқори талаблар ташкилот учун обрў ҳамда қўшимча фойда келтиради. Ташкилот ўз ишчиларига акцияларни арзон нархда таклиф этиш йўли билан уларни қисман бошқарув ишига жалб этиши мумкин. Бу ишлаб чиқариш унумдорлигининг ошишига сабаб бўлади.

Аввало, қимматбаҳо қоғозларни чиқариш камчиликлари мулкка нисбатан бўлган маҳоратни йўқотиш ва бошқарувни чегаралантириш билан боғлиқ. Мабодо, чиқарилган акцияларнинг кўп қисми бир киши ёки бир неча шахс томонидан харид қилинган бўлса, ташкилотга бўлган назорат йўқолиши мумкин. Чунки айрим муҳим қарорларни қабул қилиш учун акционерларнинг розилиги керак бўлиб қолади. Натижада ҳозир амалга оширилиши муҳим бўлган чоралар кеч амалга оширилиши ё бўлмаса, умуман амалга оширилмай қолиш вазияти туғилади. Буни ҳисобга олган республикамиз ҳукумати қимматбаҳо қоғозларга доир қатор қарорлар қабул қилиб боряпти.

Республикамизнинг шу кунларда ички ва ташқи иқтисодий алоқаларда кенг иштирок этиши бу соҳага хизмат кўрсатувчи марказий банк ҳисобланган Давлат (миллий) банкини ва мижозларга (ишбилармон ва тадбиркорларга) кенг миқёсда хизмат кўрсатувчи банклар, яъни тижорат банклари фаолиятини кучайтиришни тақозо этади. Бу борада ҳозирги кунда мамлакатда банк ислоҳотига хизмат қилаётган «Давлат банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлар яққол мисол бўла олади.

Муҳаммаджон ЎРМОНОВ,
тарих фанлари номзоди,
доцент, республика Таълим
маркази бош методисти,
Мукаррам МЎЙДИНОВА,
Тошкент шаҳар халқ
таълими бош бошқармаси
бўлим мудири.

(Боши ўтган сонларда).



Раҳима Азимова Тошкент шаҳрида жойлашган Саида Зуннунова номидаги мактабнинг бошланғич синфларида болаларга сабоқ беради. Унинг бу ишда тўплаган 24 йиллик тажрибаси бор. Меҳрибон мураббия айни пайтда ёш ўқитувчиларга ўз тажрибаларидан сўзлаб бериб, уларга устозлик ҳам қилмоқда.

Суратда Раҳима Азимованинг болаларга математикадан сабоқ бераётган пайти тасвирланган.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Бошланғич синф ўқитувчиларига ёрдам

ЖАРАЁН ҚАНДАЙ КЕЧАДИ?

Хат-савод ўргатиш даврининг учинчи босқичида бажариладиган ишлар ўзининг хилма-хиллиги, қизиқарлилиги билан аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Бу босқичдаги барча ишлар асосан ўқувчиларнинг онгли, тез ўқиш малакасини эгаллашга, нутқини ўстиришга, луғатини янги сўзлар ҳисобига бойитишга қаратилади.

Товуш ва ҳарфларни ўргатишда алифбо тартиби эмас, балки товушлар талаффузининг осон-қийинлиги ҳамда бўғин ва сўзларнинг соддалиги, ҳарф шаклини ёзишда қулай бўлиши ҳисобга олинди.

Ҳозирги ўзбек алифбосида бир ҳарф билан (а,б,д каби) ва икки ҳарф бирикмаси билан **ng** (нг), **sh** (ше), **ch**(ч) ифодаланадиган товушлар ва ҳарфлар бор.

Алифбенинг дастлабки саҳифаларида болалар учун талаффузи осон товуш ва ҳарфлар билан таништирилгандан сўнг **ng (нг)** ҳарфлари бирикмаси билан ифодаланадиган товуш берилди.

Болаларнинг бу товуш бирикмаларини алоҳида **ng** деб талаффуз қилмасликларининг олдини олиш учун ҳали **g (г)** товушини таништирмасдан аввалроқ **ng (нг)** тарзида ўргатиш методик томондан тўғри бўлади. Бу ҳарф бирикмасини айнан аввалроқ таништириш борасида йирик тилшунос олимлар ва синов ишларида эса амалиётчиларнинг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинган.

Шунингдек, мустақил товушни билдирган **ng (нг)** нутқда иззат-ҳурмат маъносини англатадиган сўзлар ҳосил қилишда қўл келади. Шунинг учун ҳам алифбенинг 23-саҳифасида «Тонгда» сарлавҳаси билан ўзбек оиласининг ҳаёти, урф-одати ва анъаналарини тасвирлаш учун расмлар, шуларга мос матн берилган. «Олтин олма, дуо ол» мақолини болаларга ўргатиш орқали одобахлоқ руҳи сингдирилади. Аста-секин алифбе саҳифаларидаги топшириқлар мураккаблашиб бориши, болаларнинг ақлий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ишлар тизими дарсликда ўз ифодасини топишига эътибор берилди.

Болалар **ў** товуши ва ҳарфи русча сўзларда **о** тарзида, яъни тепасида белгисиз ёзилишини билиб олишлари учун дарслик соҳифасида «Робот» матни берилди. Шунингдек, техник асрга кириб келаётган турли машиналар номи билан болаларни ёшликдан таништириш, шунингдек машиналарнинг хизмати, халқ хўжалигидаги аҳамиятини билиб борганлари маъқул. Уларда техникага эътибор, роботлар бажарадиган ишларига қизиқиш уйғотиш лозим.

Р(П) ундошини ўргатишда уларнинг айтилишига аҳамият қилинади. «Паст бўйли, малла тўнли», «Тап-тап этади, тагидан карвон ўтади», «Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор» топишмоқларида иштирок этган Р товушини болалар тезда илғаб, уни тўғри ўқишга ўрганадилар.

Sh (Ш) товуши ва ҳарфлари ўргатилганда шам, шим, мушук, тош сўзларида кетма-кет келиб, бир товушни, яъни шамол сўзидаги биринчи товушни англатиши тушунтирилади. Саҳифада берилган сўзлар, матн ўқитилганда **Sh** товушининг тўғри талаффузига эътибор берилади.

Шунинг учун ҳам дарслик саҳифасидаги шарбат сўзи таҳлил қилинди. **Sh** ҳарфи икки белгидан иборат, лекин бир товушни билдиргани учун бир катак ичига жойлаштирилиши уқтирилади. **Sh (Ш)** ҳарфи иштирокида сўзлар, исмларни ўқиш, Алишер Навоийнинг ёшлик йилларини болаларга мисол тариқасида ўқиш тавсия этилди.

J товуши ва ҳарфини ўргатишда ўқитувчи жой, жажжи, жўжа сўзларини таҳлил қилиб, сўнг 8 та товуш ва ҳарфдан иборат **мунажжим** сўзини аввал бўғинга бўлишни, сўнг товушларга ажратиш, ундан сўнг ҳар бир ҳарфни катакчаларга жойлашни таклиф этади. **J** товуши **жемпер**, **гижда** нон, **журнал** сўзларида **j** деб талаффуз этилишини ҳам амалий машқлар орқали уқтиради. Бу саҳифада **жўхори, жийда** расмлари орқали **J** товушини тўғри талаффуз қилиб, ҳарфни топишларига имкон беради.

Алифбеда машҳур алломаларни иложи борича болаларга таништиришга катта эътибор берилди. Дарсликнинг 58-саҳифасида мунажжим бобомиз Мирзо Улуғбек ҳақида матн берилди.

Мустақил иш сифатида юлдузчалар ичидаги бўғинлардан: **жадвал, жуда, жума** каби сўзлар тузишни машқ қиладилар.

Болаларга **Х** ундошини таништиришда амалий машқ зарур. Хат, хабар, хато, хона, халқ сўзларида **х** товуши томоқ қириб айтилишини ўқитувчи исботлайди. Бу саҳифада болаларнинг мустақил фикрлаши учун саволлар берилган. Ҳар бир ўқувчи ўзича жавоб топиши ва хат-жилтларга ёзилган бўғинларни кўчириб, Холмат, Мухтор, Хуршид, Халил, Фаррух каби исмларни ўқийдилар ва ўзлари ҳам мустақил равишда х товуши иштирок этган исмлар, сўзлар ўйлаб топадилар.

Айириш белгисини тушунтириш учун китобда берилганлардан ташқари саъва, аъло, ваъда, Саъди, Лаъли каби сўзларни ўқитиш ва шу сўзлар иштирок этган гаплар тузиш машқ қилинади.

Алифбедан кейинги давр учун берилган «Йигирма тўққиз ҳарф» ҳамда «Китоб менинг дўстимсан» шеърларини ифодали ўқиб, ёд олдирилади. Бу шеърлар болаларда китобга муҳаббат ҳиссини уйғотиши, саводли бўлганликларидан руҳланиш, кўтаринки кайфият уйғотиши керак.

Алифбе китобларидан ўрганган барча ҳарфлар, бўғин ва сўз, матнларни такрорлаш учун имконият мавжуд. Масалан, болаларга қуйидаги саволлар билан мурожаат этиб, уларнинг ижодий жавоб беришларига эришмоқ лозим:

— кетма-кет келган ундош товуш ва ҳарф иштирок этган сўзлар топинг, уларни бўғинларга бўлиб ёзинг;

— нг **(ng)**, ш **(sh)**, ч **(ch)** ҳарфлари иштирок этган сўзлар ўйлаб топинг ва уларни хаттахтада тўғри ёзинг;

— иссиқ, текис, катта, баланд сўзларининг маъносига яқин сўзлар топинг ва ёзинг;

— Алифбе китобингиздан одоб, ахлоққа доир сўзлар, мақолларни топиб айтинг;

— яхши, эпчил, озода, одобли сўзлари иштирок этган гаплар тузинг;

— Алифбе китобингиз саҳифаларида Ватан ҳақидаги матнни топиб ўқинг, маъносини сўзлаб беринг, мақолларни ёд олинг ва ҳоказо.

Болаларнинг билим ва малакаларини мустаҳкамлаш, ўқиш ва ёзишга бўлган қизиқишларини оширишни улар имкониятига қараб амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунда юқоридаги жараёнлар муҳим роль ўйнайди.

Қ. АБДУЛЛАЕВА.

Мактабгача тарбия муассасаларида

ҲАР ҚАДАМДА МЎЪЖИЗА

Нукус туманидаги икки қаватли бу бино ўтган ўқув йилида ишга туширилган эди. Маориф соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга ўз ҳиссаларини қўшмоқ мақсадида туман маорифчилари бу бинодан мактаб-боғча мажмуаси сифатида фойдаланишга қарор қилдилар. Бугунги кунда мазкур ташаббус ўз номини оқламоқда.

— Комплексимизда 5 та синфда 82 нафар ўқувчи таълим олмоқда. 2 та боғча гуруҳида 25 нафардан кичкинтойлар тарбияланаётир, — дейди мажмуа директори Нурмухамбет Туйимбетов, — 12 нафар ўқитувчи, 4 нафар тарбиячи болалар хизматида. Бу ерда ўғил-қизларнинг ҳар томонлама камол топиб, ўсиб-ёйрашлари учун олий маълумотли, ўрта махсус маълумотли мураббийлар ўз билим ва тажрибаларидан фойдаланмоқдалар.

Мактаб-боғчадаги ишлардан ўрнак олса арзийди. Шунинг учун ҳам у ташкил топгандан қисқа вақт ўтгач, ишларнинг маромли яхши кетаётганлигини кузатган Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари туман, шаҳар халқ таълими бўлими иштирокида бу ерда семинар-кенгаш ўтказишга қарор қилдилар. Семинар-кенгашда қатнашган мураббийлар мактаб-боғча мажмуасидаги ишлар билан яқиндан танишиб, кўп нарсаларни ўргандилар.

Мактаб-боғча мажмуасида музей ҳам ташкил қилинган. Замонавий стадионда эса футбол, теннис ўйнаш учун шароитлар муҳайё.

Мактаб-боғча мажмуасида тарбияланиб, таълим олаётган болаларнинг иқтисодий-маънавий билимларини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ташкил қилинган суратли стендлар, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон мадҳиялари ёзилган улкан плакатлар катталарнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам диққатини дарров ўзига жалб қила олади.

Назаримда бу масканда болаларни ҳар бир қадамда мўъжизалар, меҳру эътибор кутиб тургандек туюлди...

Г. ОЛЛАБЕРГАНОВА,
«Маърифат»нинг жамоатчи
мухбири.

«БОЙЧЕЧАК» ЧЕЧАКЛАРИ

Яқинда Ўзбекистон туманида ўсмир болалар ўртасида туман биринчилиги учун футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Унда тумандаги Аҳмад Яссавий номли 18-ўрта мактабнинг «Бойчечак» командаси барча футбол синфи командаларини мағлубиятга учратиб, туман ғолиби деб топилди.

М. ХОЛМАТОВ.

ШАРҚОНА ЎЙИНЛАР ВА ТАРБИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонида таъкидланганидек, «Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир». Ушбу масъулиятли ва шарафли омиллар замирида энг аввало, маънавият бешиги, мактаб ва шарқона тарбиянинг ўзига хос этнопсихологик уйғунлиги ётади. Бу уйғунлик бутун дунёга донғи кетган шарқона тарбия жараёнида намоён бўлмиш инсоний сифатлар билан бевосита боғлиқдир.

Тарбия жараёни асрлар давомида инсон аталмиш улуғ зотнинг диққат марказидаги муҳим масалаларнинг бири бўлиб келган. Инсон ўзидан кейинги ҳаёт давомчиси аталадиган зурриёдининг ҳар томонлама ҳаётга тайёрланиши учун қўлидан келгунича атроф-муҳитга асосланган ҳолда иш юритади. Бу ҳолат асрлар давомида бир шодага тизиб келинаётган турли хил инжуларга ўхшайди.

Қадимда Шарқда аёл — онани асрашга шунчалик эътибор берилганки, буни пайғамбаримиз ҳадисларида, буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг аёлни асраш ҳақидаги ўгитларида ва бошқа манбаларда учратамиз. Шу боис ҳар томонлама фозил, комил, ориф инсонларнинг бешиги Шарқ ҳисобланган.

Ҳозирги кунда жамиятнинг илдам ривожланиши тарбиямизга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир қилаётганлигини эътироф этиб ўтишимиз керак.

Биз мактабимиз ўқувчиларининг маънавиятини тарбиялашда турли тарбиявий тадбирларни белгилаб чиқдик. Жумладан, шарқона тарбиямизда аллақачон маълум ва машҳур бўлган: озода хонадон ва ибратли оилалар кўриги, чопиш, арқон тортиш, кураш, кўча байрамлари, гул сайли, ёй отиш, варрак учириш, тош ирғитиш, отда чопиш каби мусобақаларни уюштирганмиз.

Дейлик, қадим замонлардан шарқона тарбияда ардоқланиб келган «Мучал байрами»да ҳар бир 13 ёшга тўлган болаларда ўзига хос иҳтимоий ғурур, шахс сифатидаги масъулиятни ва ўзининг балоғатга етаётганлигини мамнуният билан ҳис этиш каби инсон камолоти муҳим хислатлари бевосита таркиб топтирилган.

Шарқона маданиятимизнинг қиммати ва юксаклиги ҳам ана шундадир. Биз юқорида таъкидлаб ўтган қизиқарли миллий мусобақалар бугунги мактаб ва шарқона тарбиянинг этнопсихологик уйғунлигини таъминлашга хизмат қилса ажаб эмас.

Ш. БЕКТОШЕВ,
Ш. БАРАТОВ,
Бухоро вилояти, Когон туманидаги 12-мактаб олий тоифали ўқитувчилари.

Акс садо

МАЪРИФАТ ЙЎЛИДАН БОШЛАБ БОРАВЕРАМИЗ

Бундан 30 йил муқаддам ташкил этилган пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 193-мактабни минглаб ўғил-қизлар битириб чиқишди. Бугунги кунда мактабимиз замон талаби асосида фанларни чуқур ўргатишга, дарсларни жадаллаштиришга, ёш истеъдодларни юзага чиқариш бўйича муайян тажрибаларга эга. Рейтинг, тест синовлари, жадаллаштирилган синфлар воситасида ҳар томонлама саводхон, маърифатли, комил инсонларни тарбиялашга ҳаракат қилаяпмиз.

Мактабимизда академик Қори-Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий текшириш институти мутахассислари ишлаб чиққан дастурлар асосида 1-синфдан бошлаб чет тиллари ўқитилмоқда.

Ёшларнинг бугунги билими, иқтидори, севимли ўқитувчилари ва уларнинг мазмунли дарслари туфайлидир. Бизларнинг фидойи меҳнатимиз самараси шуларда кўринади ва шулар билан ўлчанади. Биз эса уларни маънавият ва маърифат йўлларидан бошлаб боравераміз. Зеро, юксак маънавиятсиз келажак йўқ.

Мунира АЛИМОВА,
ўқитувчи.

1996 йил — Амир Темур йили

АКА-УКАЛАРНИНГ САВОБ ИШИ

Амир Темурнинг назари тушган авлиёлардан бири Исҳоқ отадир. Авваламбор Исҳоқ ота тўғрисида икки оғиз сўз. Буюк бобомиз, шеърият мулкининг султони Алишер Навоийнинг «Нассим-ул муҳаббат» асарида унга қуйидагича таъриф берилади: «Исҳоқ ота учун отасига халаф ва ҳалифа эрди. Мурид ва асҳобга пешволик қилиб отаси зикр ва авродига қиён кўргузибтур ва ўз замонасида мухтад эрмиш». Алишер Навоий худди шу асарида Исҳоқ отанинг оталари бўлмиш Исмоил отага ҳам таъриф беради: «Исмоил ота Хўжа Аҳмад Яссавийнинг Иброҳим ота отлиқ инисининг ўғлидир ва хўжанинг муриди ва назар қилганидир ва унга мурид, суҳбатдош бўлибдур... Ёши юзга яқин ва отани ўз авлоди 17 ё 18 бор эди ва оламдан ўтарда авлоди орасидан Исҳоқ отани ўз қоим мақоми қилиб оламдин ўтибтур».

Мана шу икки буюк авлиёларнинг қабрларига соҳибқирон Амир Темур пишган ғиштдан мақбара бунёд эттирган. Бу мақбаралар Туркистондаги Аҳмад Яссавий, Тошкентдаги Занги ота мақбаларининг қурилиши билан бир даврда олиб борилган.

Буюк саркарда, атоқли давлат арбоби, шоир Заҳириддин Бобур ҳам «Бобурнома»да 1502-03 йиллар воқеаларини ёритар экан: «Тошкент билан Сайрамнинг орасида Яғмо деган кент ва кентгиналар бор. Исмоил ота ва Исҳоқ отанинг қабри андадир», деб ёзади. Бобур Яғмо деб таърифлаган кент Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидаги Турбат қишлоғидир. Бу қишлоқда ҳамон Амир Темур томонидан бунёд этилган, Бобур зиёрат қилган авлиёларнинг мақбаралари зиёратчиларни қабул қилмоқда. Афсуски, 1868 йилда бўлган кучли зилзила ва йиллар тўфони бу мақбараларга ўз таъсирини ўтказган. 80-йилларда Ҳазрати Исмоил ота мақбараси ва комплекси таъмирдан чиқарилган бўлса, Исҳоқ ота мақбарасига маблағ етишмаслиги сабабли эътибор қаратилмаган.

Аммо яқинда қишлоқлик ака-ука Озод ва Ҳошим Акбаровлар ҳомийлигида Исҳоқ ота мақбарасини таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. ЮНЕСКО қарамоғидаги бу мақбаранинг таъмирлашдан аввалги аянчли ахволи видеотасмаларга ва фотосуратларга муҳрлаб қўйилади. Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида қурилган Исҳоқ ота мақбарасининг таъмирланиши буюк авлиёнинг руҳини ёд этиш билан бирга улуғ Соҳибқиронннинг 660 йиллик тўйига ҳам катта совға бўлди.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ.

ҚАНОАТ ТОЖУ ТАХТИМДИР

Қатра

Агар дунёда энг яхши лаззат мавжуд бўлса, у ҳам қаноат лаззатидир. Қаноатли киши роҳатда яшаши билан бирга бошқа кишиларга ҳам яхши муомала қилади, уларнинг ҳам шод яшашини истайди. Бошқалар ҳам қаноатли кишини ҳурмат қилади. Улуғ инсонларнинг ёқимли хислатларидан бири қаноатдир. Қаноатли киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Аксинча, шошган, ҳовлиққан, борига қаноат қилмаган кишилар ҳаётларидан лаззат ололмайдилар. Қаноат ҳақида ёзар эканман, пайғамбаримизнинг саҳобаларидан Салмон Форсий ва Абу Зар Ғаффорийлар ҳақидаги бир ҳикоят ёдимга келди.

ҲИКОЯТ. Кунлардан бир куни Салмон Форсий уйларида танҳо ўлтирардилар. Уларнинг уйига яқин дўстларидан бири Абу Зар Ғаффорий келдилар. Салмон Форсий меҳмон билан ҳолаҳвол сўрашгач, дастурхон ёздилар. Дастурхонга бир кўзада сув ва бир неча бўлак қотган нон келтирдилар. Кўзадаги сувдан пиёлага қуйишиб, нонни ботириб едилар. Меҳмондорчиликдан сўнг Абу Зар Ғаффорий деди: «Нон жуда тотли экан, фақат озгина тузи камроқ туюлди». Шунда Салмон Форсий кўзани қўлларига олиб, меҳмондан узр сўраб бозорга чиқибдилар. Бозор яқин бўлгани учун кўзани тезда тузга алиштириб қайтиб келибдилар. Тузни дастурхонга қўйибдилар, озгина туз сепишиб, яна нон ебдилар. Шунда Абу Зар Ғаффорий дебдилар: «Оллоҳга шукр, бизни шунчалар қаноатли қилиб яратибди».

Салмон Форсий дебдилар: «Тўғри, Оллоҳга шукр қиламиз, лекин озгина қаноатимиз кўпроқ бўлганида кўзани тузга алишмаган бўлардик».

Баҳриддин МАҚСУД ўғли.

Одобнома

ЎҚИТУВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН

● Она-ер ўта бардошли. Юзига тупурсанг ҳам, бўлғасанг ҳам, бағрини тилсанг ҳам чидайди. Лекин, айтишларича, ҳар нарсанинг ҳам барибир адоғи бўлар эмиш!

● Отанг ила тиклашганинг — отишганинг. Бироқ, отанг тажрибали овчи. Отган ўқи хато кетмайди.

● Дардингни ютиб юрсанг, ичингни куйдиради. Билгилки, куйган яра тезда тузалавермайди.

● Дўстлар уч тоифали бўлади: 1) нон дўстинг; 2) жон дўстинг; 3) он дўстинг. Нон дўстинг нонинг тугагунча, жон дўстинг бир умрлик дўстдир. Он дўстинг эса, бир ҳарфини ўзгартирсанг, кейин тушунасан.

● Қирқоёқнинг оёғи қирқта бўлса ҳам, барибир илондан ўзиб кетолмайди.

● Обрў мисқоллаб йиғилади, ботмонлаб тўкилади.

Абдивой РАҲИМ, фахрий ўқитувчи.

ЙИЛ

(Вақт ҳақида баллада)

«Йилнинг «кўз ёшлари» — япроқлар ер билан битта. Ҳали «йиғлаб» улгурмаган, аммо бунга ҳозирлик кўраётган барларга боқдим. Худди улар ҳам инсон каби туғилиб, камолга етиб, яшаб,қариб, ўз умрларига нуқта қўймоқдалар.

Сап-сариқ япроқларни босиб ўтамиз. Улар эзилиб, янчилиб, кузак ёмғирларига шимилганча, яна она тупроқ бағрига сингадилар. Қай тариқа дунёга келган бўлса шу тариқа кўмилиш. Уларни дунёга келтирган дарахт оназамин устида ҳамон кўркам кўкрак кериб турибди. Бир кун келиб, у ҳам букчаяди. Вақтни у ҳам инсонлар каби ҳеч қачон енголмайди.

Дарахт шохларидаги сонсаноқсиз баргларнинг яшамоғи учур талайгина ойлар етарли муддат. Аммо оёқ тагига тўшалаётган ана шу тирик мўъжиза ҳам одамлар каби ҳаётга ташна. Вақтнинг шиддаткор тўлқинларига асло таслим бўлишни истамаган каби шоҳдан узилгиси келмайди.

Узилса, тамом, ўлади. Қайтиб бу ёруғ дунё юзини кўриш унга мутлақо насиб этмайди.

Ҳавода мезон учиб юрибди. Кимдир пахта толасини эшиб, пишиқлаб, кучли шамол эсган куни ҳавога учириб юборганми дейсиз. Мезон тобора баландлайди, болалар варрагидай ҳавода енгил рақсга тушади. Охири у ҳам ҳолдан тояди, ҳаётдан узилгиси, вақтга бўйсунгиси келмаётган шўрлик япроқлар сингари ерга қўнади ёки қайларгадир илакишиб жон сақлайди. Ёмғир ва қор сувлари уни ҳам хазон айлайди.

Бир йилнинг кечиши учун яшариш фасли — баҳорнинг қадам ранжида этиши қанчалик шарт ва зарур бўлса, тафтли кунлар — ёз чилласи ўтмай туриб, олтин кузнинг ташрифи буюрилмайди. Оддий, азалий қонуният, кунлар ойларга уланиб, бир-бирига ўхшаб ўтадиган йиллар гўёки ана шу қонуниятга мослашиб олгандай. Аслида ҳам шундай, табиатнинг, ҳаётнинг одамзотни лол қолдирувчи жиҳатлари шунда эмасмикан?

Мезон тугаб, ақраб, сўнгра жадй киради. Ойларнинг айланиши бир хил, ўзгаришсиз. Ҳар йили ана шу ойлар такрор-такрор айланиб келаверади, шу тарзда йиллар-да ўтаверади. Йилларнинг эса тобора яқин теранлашаётган, қариб бораётган кишилар қалбида армон ва таскинлари қолиши табиий. Улар янаги йилга умид боғлашади. Бир йилнинг кўз очиб юмгунча сездирмасдан ўтиб кетаётганини афсус-надомат билан тан олиш аслида кишининг кўнглини озурда этса ҳам, вақт қаршисида ожизлигича, ҳайронлигича қолаверади. У ҳаётнинг оддий фалсафасини тан олишга мажбурдир. Вақт олга шошади. Дақиқа соатга уланиб, куннинг биринчи ва иккинчи ярми шитоб билан ўтиб кетгач, тун янги кун «туғади». Кунлар ҳафталарга оқилона тақсимлаб қўйилибди — душанба, сешанба... ва қарабсизки, яна жума. Бу эса ҳафтанинг сўнгги иш куни. Икки кунлик дам олиш сизни турмуш, бола-чақа ташвишлари гирдобига кўмиб ташлайди. Расмий равишда дам олиш деб эълон қилинган куни сиз идоравий ишлардан холисиз.

Рўзғор муаммоларини ҳал қилиш билан ўтган икки кунлик дамдан сўнг яна янги ҳафтанинг одатий қаҳрамони сифатидаги елиб-югуришларингиз давом этади.

Тўрт ҳафта бирлашиб, бир ойни ҳосил қилади. Ойлар ҳам ўзининг навбатини кутаётгандек тез-тез алмашинади. Қарабсизки, кўпдан кўп ҳафталар ва саноқли ойлардан таркиб топган йил ҳам ниҳоялаб қолади.

Ёш улғайган сари вақтнинг нақадар учаётганлигини ҳис қила бошлар экансан. Болаликда, ўсмирликда, ёшлик йилларида бунга унчалик аҳамият бермайсан киши. Лекин ёшингга ёш қўшилавергач, ҳаётнинг бу ҳақиқатини тан олишга мажбур бўлиб қоларкансан.

Йиллар юракка бир армон берганида, амалга ошириб улгурмаган ишларни галга солиб, вақтни бой бериб қўйганингда, бу айниқса, сени қийин аҳволга солади.

Вақтнинг чеки-чегараси йўқ, у туганмас хазина. Унинг улуғ ҳакамлиги, файласуфлиги шундаки, ҳар бир инсонга ўлчоғлик берилган умрни ўзининг имконларидан оқилона фойдаланиб яшашга ундайди.

Кузак, Йилнинг сўнгги фасли. Тез орада қиш ва яна баҳор. Бу фасл кишини хаёлга толдиради. Ўтаётган умринг, вақтнинг қадр-қиммати ҳақидаги мушоҳадаларинг бу фаслда негадир тиниқлашади. Вақтга таслиммиз. Оёқ тагидаги хазонбарглар қатламига нигоҳ ташланг. Улар ўзлари каби инсоннинг ҳам ғоятда қисқа яшашидан огоҳ этиб турибдилар...

Хулкар ТЎЙМАНОВА.

ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

Бағдод туманидаги 26-ўрта мактабда таниқли шоир Рауф Парфи билан ўқувчиларнинг учрашув кечаси бўлиб ўтди.

Адабий кечани мактабнинг тарбиявий ишлар ташкилотчиси Сойибжон Эҳсонов кириш сўзи билан очгач, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Муроджон Аҳмедов «Рауф Парфи шеърларининг тили ва бадиий жозибаси» ҳақида маъруза қилди. Сўнгра ўқувчилар шоирнинг шеърларидан намуналар ўқишди.

Бадиий кеча мактаб ўқувчиларида катта таассурот қолдирди.

М. АҲМЕДОВ.

Хулласи...

ЗООЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИ БУНИ БИЛИШАДИМИ?

Муаллимларимиз асаларилар нинг уясида иккита «бошлиқ» пайдо бўлса, бири ўз гуруҳи билан чиқиб кетишини ва ўзига макон топишини яхши билишади. Бироқ кубанлик бир йигит кўчада тентираётган ниҳоятда катта ярқираган бошли бир одамни кўриб қолган.

Қарангки, уядан макон излаб чиққан арилар галаси тасодифан шу одамнинг бошига қўнишиб, дарҳол «пойдевор» қўйишга киришишибди. Яхшиям баҳор палласида асаларилар унчалик «жаҳлдор» бўлмайдилар, йўқса... Одамлар уни дарҳол асаларичига олиб бориб халос қилишибди. Бироқ жабрдийда саноқли дақиқада даҳшатдан сочларига оқ оралаганини ўзи ҳам сезмай қолибди.

ЭКОЛОГИЯГА ДОИР БИР ДАЛИЛ

Россиядаги энг ҳавоси бузуқ шаҳар Дзержинск экан. Бу ерда ўлим туғилишдан икки баробар юқори. Кимё саноати корхоналарининг кўплиги бунга сабаб бўлмоқда. Аёлларнинг ўртача умри 47 йил, эркакларники эса 42 йил (!). Бу шаҳар Россиянинг 80 та экологияси ёмон шаҳарлари орасида биринчи ўринда туради, деб хабар беради Гринпис халқаро экологик ташкилоти.

МУҲАББАТГА АЙЛАНИБДИ

Озарбайжоннинг пойтахти Боку шаҳридаги метрода мудҳиш ёнғин содир бўлганига бир йил тўлди. Унда 304 киши ҳалок бўлган, 160 киши эса жароҳат олган эдилар. Бир йиллик муносабати билан ўша мудҳиш кун ёдга олинди. Фожиа содир бўлган жойга барча қатори Хураман ва Элман исмли йигит-қиз ҳам гуллар қўйишди. Тақдирни қарангки, улар бу ёнғиндан омон қолиб, касалхонада танишишган экан. Дарднинг бирлиги муҳаббатга айланибди.

ана шуҳақ гаплар.

Обуна-97

Журналларнинг янги сонларида

Журналнинг янги сонидаги барча мақолалар, одатдагидек миллий анъаналар, урф-одатлар, ақидалар руҳи билан суғорилган. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси жаҳондаги нуфузли ташкилотлардан бири сифатида тан олинди. Журнал ана шу жамғарманинг Ўзбекистондаги фаолияти ҳақида кичик мақолаларни ўзининг 12—13-саҳифаларида эълон қилган. Уларнинг барчасида эзгу ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Журналдаги «Мақсад — оилавий ҳаётга тайёрлаш», «Билиб емак — сиҳат демак», «Капалаклар — камалаклар», «Мангу яшар меҳр дарахти», «Афандининг отаси», «Бухороча курашнинг «тиктўғанок» усули», «Завқи бир жаҳон» каби илмий, ижтимоий-сиёсий мақолалар ўқувчини эътиборсиз қолдирмайди. Рангли, оқ-қора тасвирдаги суратлар, сарлавҳалар ва рукнлар журнал безатилишига узукка кўз қўйгандек мос тушган.

«Соғлом авлод учун» журнали миллий анъаналаримизнинг жарчиси ва тарғиботчиси, демак, ҳақиқий соғлом авлоднинг юзага келишига журнал маълум маънода ҳисса қўшмоқда.

Журнал «Пиллапоялар» номли мақола билан очилади. Республика халқ таълими вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар ХТБ бошлиғи Ҳ. Йўлдошев имзоси билан чоп этилган мақола таълимдаги янгиликлар, изланишлар, тадқиқотлар ҳақидадир.

Келаси ўқув йилидан бошлаб 3-синфда М. Умарованинг «Ўқиш китоби»дан фойдаланиш режалаштирилмоқда. Шу боис журналда мазкур дарслик материалларининг тахминий режаси эълон қилинган.

Умуман олганда, журналнинг янги сони мундарижаси бой ва қизиқарли. Бошланғич таълим ўқитувчилари «математика», «Табиатшунослик», «Нафосат», «Иқтисодиёт», «Олий таълим», «Мерос», «Устознома», «Китоб жавонингизга» каби рукнлар остида берилган мақолалардан ўзлари учун тегишли кўрсатма ва маълумотлар олишлари мумкин.

Соғлом авлод учун

БАҒРИ БУТУН ОЛИМ

Одатда ҳар қандай одам маълум ёшга етгач, ўз-ўзидан орқа ўнгига қараб олади. Хўш, мен дунёга келиб нима иш қилдим? Нимага эришдим? Буни ёзувчилар сарҳисоб дейди. Аслида эса бу тушунча ҳаммада бор. Фақат уни баён этиш усули ҳар хил. Кимдир ўтган кунларидан хурсанд. Кимдир армонда. Бундай дейишимизга сабаб мен суз юритаётган инсон ўз ишига, ўтган умрига зийрак кўз билан қарайдиганлардан. У билан танишувимиз ҳам ана шу меҳр орқали бўлган.

Бундан уч-тўрт йил олдин Биринчи Тошкент Давлат Тиббиёт институтига йўлим тушиб, суҳбати ширин, хушмуомалали, бадиий тилда қотириб гапирадиган бир профессор билан танишиб қолдим. Мутахассислиги — терапевт-стоматолог. Яъни болалар тишини даволовчи шифокор экан. Суҳбатлашиб турибмиз, кузатга бошладим. Унинг иш столи устида тиббиётга оид қўлланмаю дастуру дарсликлар билан бир қаторда бадиий китоблар, кундалик рўзнома, ойномалар тахланиб ётибди. У эринмай барисини ўқиб чиқар экан. Ўқиганда ҳам қўлига қалам олиб, чизиб-чизиб ўқир, ғализ жумлалар, ўринсиз ишлатилган сўзлар тагига чизаркан.

— Ака, — деди у менинг адабиётга алоқам борлигини билгач, — мана қаранг, мана бу мақолада нечта русча сўз ишлатилган. Ҳолбуки, ўзбек тилимиз жуда бой-ку!

Индамадим.

У узини қувватлашга тушди.

— Навоийнинг ўзи бир дунё. Уммон. Унинг асарларини тушуниш учун бир дунё билим керак. Мана мен бобомизнинг достонларини насрий баёнини ўқиб чиқдим. Вой-бўй, саводсизлигимдан утириб йиғладим. Ўқиганим сайин ҳар бир сўзнинг сиру синоати очилиб бораверди. Бағрим нурга тўлиб кетаверди. Аслида ўқишни энг аввал ўзимиздан бошлаш керак экан.

Дарвоқе, бу инсон талабалар учун Тошпулат Ҳамдамович бўлса, мен учун оддий профессор Тошпулат Сафаров эди.

Ҳеч иккиланмай Тошпулат акани сўз устаси дейиш мумкин. Бундай дейишга асосим бор. Биринчидан, марказга тўпланганларни ҳеч бўлмаса шевасидан билса бўлади. Иккинчидан (сир эмаски), айниқса, бошқа касб эгалари она тилида гапирганда ҳеч бўлмаса уч-тўртта русча ибора ишлатмаса, куни ўтмайди.

Бирдан сўраб қолдим.

— Сиз тиббиёт ходимисиз. Сўзни чертиб гапиришингиз, тинимсиз ўқишингиз сизга қачон юққан?

Тошпулат ака бирдан ўнгланиб олди.

— Биласизми, — деди, — ҳатто сиз ҳам ишонмайсиз. Тўртинчи-бешинчи синфда ўқиб юрганимда, бир юзу йигирма бешта шеърни ёддан билардим. Дарсликларда қанақа шеър бўлса, ёдлайверганман. Соатлаб шариллатиб айтиб берардим. Буни қарангки, ёдлаганларимнинг аксари рус адабиётидан намуналар эди. Кейин туман газетига мақолалар ёзиб турардим. Шеърлар ҳам ёзганман. Кўп ўқирдим. Лекин шоир ё ёзувчи бўлиш хаёлимга келмаган, балки ўша шеър ёдлашлар тилимни чарҳлаб қўйгандир. Ростини айтсам, ўз адабиётимиз билан танишганимдан кейин кўзим очила бошлади.

Тошпулат аканинг таржимаи ҳоли билан қизиқа бошладим. Шахсан менинг авлодимдан фарқ қиладиган жойи йўқ. Отаси 1943 йили урушга кетиб, уч ойда қайтиб келаман деб, шу кеттанча урушда бедарак кетганлар қаторига ўтган. Буни ҳам анигини у ўтган йили нашр қилинган «Хотира» китобидан билиб олди. Бир сўз билан уруш даври боласи. Уз тенгқурлари нимани кўрган бўлса, унинг тақдири ҳам барига шерик. Ўзимча бунга қаноат ҳосил қилдим.

Тошпулат ака мактабда ўқиб юрган йилларида фақат адабиётга эмас, кимё, биология фанларига ҳам қизиқади. Фақат бир воқеа сабаб бўлади-ю унинг ҳаётида бурилиш ясайди. У кўричак (аппендицит) билан оғриб, туман касалхонасига тушади. Мина Данильевна деган жарроҳ уни операция қилиш жараёнида болани чалғитиш учун сўрайди:

— Тошпулат, катта бўлсанг ким бўлмоқчисан?

— Духтир, — жавоб беради у.

Жарроҳ қишлоқи болага беписанд қараб, қўл силтайди:

— Ҳа, сан ўзбеклар оғзингга келган гапни айтаверасан. — Даволовчи аёл лабини буриб қўяди.

Бу дашномни эшитган Тошпулат жойидан туриб кетади.

— Нимага бундай дейсиз? Мен духтир бўламан!

Тошпулат ўшанда яраси шамоллаб бир ҳафтача ётиб қолди. Уни кесилган ери оғриқ, шиш қийнамайди. Унга бўлган беписандлик қийнайди. Тузалиб чиққач, албатта, ўз мақсадимга эришаман, деб сўз беради.

Ана шу «нимага!» деган ҳайқириқ Тошпулатни Тошкентга олиб келади. У Тошкент тиббиёт институтининг стоматология факультетига ўқишга киради. Ва шу факультетнинг ўз мутахассислиги бўйича биринчи битирувчилардан бўлади.

Тошпулат ака 1959 йили институтни битиргач, ўзи ўқиган даргоҳда ассистент бўлиб қолади. Кунлардан бир куни талабаларни тажриба ўрганиши учун Самарқандга олиб борганида касалхоналарнинг бирида ўша дашном берган опа билан учрашади. Узини таништиради.

— Мен ўша Тошпулатман...

Буни эслатишимдан мақсад кимгадир таъна бериш эмас. Аксинча, баъзида бир оғиз айтилган сўз кимнингдир тақдирини ҳал қилади. Агар унда ўзбекона ҳамият кучли бўлса...

Шундан бери не-не сувлар оқиб ўтди. Унинг 37 йиллик ҳаёти ўзи ўқиган олий ўқув юрти билан боғланиб қолди. Тиббиёт фанлари доктори, ўз соҳасининг билимдон профессори бўлди. Ва бугун биринчи даволаш стоматологияси кафедраси мудири.

Болалар тиш касалликлари бўйича профессор Тошпулат Сафаровнинг бугунга қадар 140 дан ортиқ илмий тадқиқотга оид мақолалари, 3 та муаллифлик ихтиролари, 4 та амалий таклифи ҳаётга татбиқ этилди.

Нашр қилинган, тилга тушганлардан энг сўнгтиси «Болаларни даволаш стоматологиясидан амалий қўлланма» номли катта рисоласидир.

Айтганимдек, бундай қараганда, иккаламиз ҳам болалар оламининг одамларимиз. Балки шундан сўзимиз қовушиб қолгандир. Тошпулат ака шу утган йилларда юзлаб болаларнинг тишини даволади, юзлаб талабаларга устозлик қилди. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Шоиртабиат профессордан сурадим:

— Тақсир, нега атай болаларнинг тиш доктори булгансиз?

— Касалимнинг оғриғини ўз кўзим билан кўриб тураман. — Жавоб шундай бўлди.

Менинг хаёлимни барибир, унинг адабиётга қизиқиши, тушуниши ҳамда ўз касбининг фидойиси бўлганлиги тортаверди.

Тошпулат ака ўз касбининг профессори эканлигини ҳамкасблари ҳам тан олади. Биз бир пайтлар турли сулолалар ҳақида ҳам ёзганмиз. Тошпулат аканинг ҳам ўз сулоласи бор. Янгамиз Сабохон опа — терапевт. Ўғиллари Муроджон — ортопед-стоматолог. Равшан — терапевт-стоматолог. Қизлари Наргиза — кўз шифокори. Нилуфар — бўлажак стоматолог. Иккала келинлари ҳам стоматолог. Барисининг ҳаёти болалар дунёси билан боғлиқ.

Тошпулат ака нафақат кафедра мудири, балки ҳам фарзандларига, ҳам шогирдлари, талабаларга меҳрибон маслаҳатчи. Бир этак набиранинг буваси. Вақт қадрига етадиган инсонлардан бири. Буларнинг бари маълумот учун. Муҳими, бугун ўз мутахассислиги билан бир қаторда сўзни улуғлаб келаётган бу инсон 60 ёшга тўлди. Тишимиз бутун бўлса, айтар сўзимиз ҳам бутун бўлади. Биз у кишига бағрибутунлик тилаймиз! Чунки азал-азалдан Ўзбекистонимиз ўзининг бутун одамлари билан нафас олган!

Сафар БАРНОЕВ, болалар ёзувчиси.

«Маърифат» газетасининг 1996 йил 19 октябрь 79-сонида Х/К «Джойклосс» фирмаси тугатилиши тўғрисида берилган эълон бекор қилинади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 16-48-72 телефон рақами орқали қабул қилинади.

«Ал-Аро» масъулияти чекланган Жамият тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 78-32-85 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлими ва 28-мактаб жамоаси шу мактабнинг илмий бўлим мудираси Шоира Содиқовага турмуш ўртоғи Қаҳрамон ҲАКИМОВ бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Лукмон БУРИХОН.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0646.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.